


ҒАРОЙИБ ОЛАМ



ҒАРОЙИБ ОЛАМ

(Иккинчи китоб)



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2006

Тўпловчи, таржимон ва
шов-шув мақолалар муаллифи

АЛИМҚУЛ СУЛТОНОВ.


Фаройиб олам. 2-китоб / Тўпловчи, таржимон ва шов-шув мақолалар муаллифи А. Султонов. — Т.: «Шарқ», 2006. — 320 б.

Ушбу тўплам 1996 йилда нашр этилган «Фаройиб олам» китобининг мантиқий давоми. Муаллиф иккинчи китобига аввалги нашрга кирмай қолган, қолаверса, биринчи нашрдан кейинги ўтган ўн йил мобайнида содир бўлган турли воқеалар, ақл бовар қилмайдиган ҳодисалар, инсон боласи имкониятлари, ҳайвонларнинг ажабтовур феъли ва хислатлари, рекордлар, кашфиётлар, турли халқларнинг ўзига хос «хурмача қилиқлари» ҳақидаги қизиқарли маълумотларни жамлаган.

«Фаройиб олам» китоби кенг ўқувчилар оммасига, хусусан олам янгиликлари билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

ББК.92

Шунақаси ҳам бўлади



УҚУВСИЗ ЖАРРОҲЛАР

Манчестерлик Деборага учинчи мучал йили офир келди.

Гап шундаки, оёғи офриб операция қилдиришга мажбур бўлди. Бироқ шифохонада... «довдир» жарроҳлар янглишиб, чакагини операция қилиб юборишди. Бемор наркоздан сўнг ўзига келиб қараса, чакаги ишламаяпти. Устига-устак тишлари ҳам йўқ. Бу ҳам етмагандек операция қилинган жойга инфекция туширишгани-чи?! Ахир икки кундан кейиноқ беморнинг милклари йиринглай бошлади-да. Нима қилиш керак? Бу уқувсиз жарроҳларга қандай чора кўриш лозим? Дебора Райнолда ўйлаб ўтирмай уларни судга берди ва 26 минг фунт ундириб олди. Қолаверса, бошқа шифохонада ётиш харажатларини-да, жарроҳлар бўйнига юклади.

КИМНИКИ УЗОҚҚА ОТИЛАРКИН?

Американинг Делавэр ва Иллинойс штатларида ҳар йили ошқовоқ отиш мусобақаси бўлиб ўтади. Ошқовоқни отиш учун эса ўзлари ясаган турли қурилмалардан (катапульта, пневматик пушка ва ҳоказолар) фойдаланиши мумкин, фақат портловчи моддалардан фойдаланилмаса бўлгани.

Бугунги кунда америкалик фермерлар ушбу мусобақа учун ошқовоқнинг қаттиқ, алоҳида янги навини яратишган. Унинг ҳар бирини мусобақа иштирокчиларига 200 доллардан пуллашмоқда.

Бу мусобақада рекорд кўрсаткич 1997 йили ўрнатилган. Ўшанда ошқовоқ 1130 метру 27 сантиметрга отилган эди. Ўшандан бери бу рекордни янгилай оладиган зўр ошқовоқотар топилмаяпти.

«ЭНДИ БАЛИҚЛАР МЕНИ ЕСИНИ!»

Питер Ходж ўзи сартарошлик қилса-да, ашаддий балиқчи. У Англия жанубидаги Сомерсет шаҳарчасида яшайди. Ёши ўтиб қолган бўлишига қарамай балиқ овига чиққани чиққан. Қармоқда тутайди. Лекин кейинги пайтда балиқларга раҳми келди шекилли ўйланиб қол-

ди. Ва ғаройиб васиятнома ёзиб, ўғилларига бериб қўйди. Унда «Мободо, ой-куним етиб ўлсам, қабристонга кўманглар. Мурдамни майдалаб, курутдек-курутдек қилиб думалокланглар ва дарёнинг мен ов қиладиган ерига сочиб юборинглар. Шу пайтгача мен балиқларни едим, энди уларнинг гали келди — мени есин», деб ёзилган эди.

ТОМЛАРНИ УЧИРГАН БЎРОН

1999—2000 йилларнинг айнан июнь ойида Татаристонда бир неча лахзалик кучли бўрон кутуриши кузатилди. Бу сафар у бешта қишлоқ туманларини ва бир қанча аҳоли ҳудудларини электр энергиясиз қолдириб, ҳаммаёқни пайхон этди. Айниқса, Қозон шаҳри атрофидаги Зеленодольск ва Високогорск туманларига катта зарар етказди. Бир неча лахза ичидаёқ уй томларини бузиб ташлади. Пойтахт марказини ҳам аяб ўтирмади: уйлар томлари ерларда сочилган, дарахтлар кўпорилган, светофорлар йиқилган, кўчада кетаётган автомашиналар қийшайган ҳолда қолди бўрондан сўнг.

Об-ҳавони кузатиш маркази ходимларининг айтишича, бу атмосферада юз бериб турадиган одатий ҳол экан.

Худди шунингдек, Самарада ҳам мана шундай «тартибсизлик»ни юзага чиқариш учун атиги 2 дақиқа кифоя қилди. Шаҳар матбуот хизмати маъмуриятининг хабарларига қараганда, бўрон сабаб 11 киши жароҳат олган. Фақат кечқурунга бориб шаҳарда жамоат транспорти ҳаракати бошланган.

26 ЁШЛИ БУВИЖОН

Мактаб ўқувчиси кўчада чақалокни болалар аравачасида сайр қилдириб юрибди. Йўқ, у сиз ўйлаганчалик, укаси ё синглисини ўйнатиб юргани йўқ. Аксинча, у ўз чақалоғи. Бундай манзарани бугунги кунда узоқ Африка ёки Австралияда эмас, балки Европада, аниқроғи, Буюк Британияда кўп учратиш мумкин. 1997 йилнинг ўзидаёқ мактаб ўқувчилари орасида хомиладорликни рўйхатдан ўтказишганида уларнинг сони 90 мингдан ортиб кетган эди. Эндиликда эса мамлакатда бундай ҳодиса Германияга қараганда икки бараварга, Голландиядагига нисбатан олти мартага кўпайган.

Ха, бу мамлакатда ўқувчилар орасидаги хомиладорлик, нафақат йилдан-йилга, балки ой сайин ортиб бормоқда. Экспертларнинг айтишларича, бунинг асосий сабаби мактабларда одобнома дарсларининг умуман йўқлиги, оммавий ахборот воситаларининг ахлоқсиз ахборот ва ахлоқсиз суратларга муккасидан кетганлиги, ота-оналарнинг фарзандлари олдидаги жавобгарлигининг сустлиги экан.

Қизиғи шундаки, бу ердаги газеталар 12 ёшли қиз фарзанд кўриб, мамлакатда «ўзига хос» рекорд ўрнатганини шов-шув қилишди. Дарвоқе, энг ёш бувижон ҳам шу ерда экан, яъни унинг ёши эндигина 26 га тўлибди.

Эндиликда ҳукумат бундай кўринишларга қарши фаол чора-тадбирлар қўллашни мақсад қилиб қўйди.

РУҲ СУРАТГА ОЛИНДИ

Германия госпиталларидан бирида шов-шув воқеа юз берди. Бечора Карин Фишер операция вақтида оламдан ўтди. Бироқ гап бунда эмас. Шов-шув шуки, госпитал сураткаши операция жараёнини суратга олди ва негативларни ювиб бўлгач, ҳайратдан донг қотди. Яъни Карин Фишернинг юраги уришдан тўхтаган пайтда унинг руҳи танани тарк этаётганини суратга олишга улгурибди.

«Негативда шундай кўриниш акс этганки, танадан руҳнинг буғлангандек чиқиб бораётгани зикр этилган, — дейди сураткаш П. Валентин. — Сўнг негативни тиббий экспертизага бердим. Улар текшириб кўриб, бу одам руҳи эканлигини тасдиқлашди».

Дарҳақиқат, бундай суратга туширишлар биринчи марта эмас. Лекин барибир улар саноқли. Эндиликда П. Валентин ўта оғир беморларнинг операция столида ётишини қанда қилмай суратга туширмоқда.

ОХИР ЗАМОН БАШОРАТЛАРИ

Замона зайлини қарангки, нафақат инсониятни ўлим кутқусидан, балки Ер юзидаги жамики жонзотлар йўқ бўлиб кетиши эҳтимоли борлигидан огоҳлантирувчи башоратлар кўп қадим замонлардан бери давом этади. Ва бу башоратлар бир қарашда инсониятни жаҳаннамдан асрайди, яъни ўйлашга, имкониятлар қидиришга туртки

беради. Балки шунинг учун ҳам шу пайтгача қилинган охир замон ҳақидаги барча башоратлар ўз натижасини топмаётгандир. Илоҳим топмасин ҳам.

Қисқаси, айрим башоратларда 1999 йил июль ойида охир замон бўлади, дея айтилган эди. Хайрият бўлмади. Сўнг Европа авлиёлари ва раммол (инсон тақдири ва тарихий ҳодисалар осмон жисмларининг вазиятига боғлиқ деб билган ва юлдузларга қараб фол очиш билан шуғулланган одам)лари бу кунни сентябрга «кўчирдилар». Хайрият яна башоратлари амалга ошмади. Нострадамус башоратлари буни тасдиқлаётганини рўқач қилишиб, бу ҳақда Европа газеталари роса шов-шув кўтаришди. Нострадамус китобидан парчалар келтиришди. Гўё улкан метеорит Ерга тушармиш. Натижада, кучли цунами тўлқинлари (океанда сувости зилзиласи ёхуд вулқонлар отилишидан ҳосил бўладиган улкан тўлқин), даҳшатли зилзила ва довуллар бўлиб, чанг-тўзон Қуёш юзини тўсиб қўярмиш. Одамларнинг эса онги хиралашиб, учинчи жаҳон урушини бошлаб юборишармиш. Ҳатто охир замон кунини аниқ кўрсатишганига нима дейсиз, яъни 9.9.99 деб. Англиялик компьютер мутахассислари эса бу башоратни бир оз ҳақиқатга яқинроқ тарзда йўйишди. Яъни шу кунни айрим эски компьютерларда вақт билан боғлиқ муаммолар туғилишини англаб етишди ва бу муаммодан қутулиш йўллари излашди.

Ажабланарли томони шундаки, инсоният ўзи яшаётган замин ҳалокатини деярли ҳар йили ўзи башорат қилди. Бироқ шукрлар бўлсинки, барчаси ўз тасдиғини топмади.

Масалан:

1914 йил — Америкадаги диний мазҳаблардан бирининг руҳонийлари охир замон бўлишини башорат қилишган. Уша йили башоратлари тасдиқланмагач, бу вақтни 1918 йилга, сўнг 1925 йилга, кейин эса 1975 йилга кўчиришган. Хайриятки, одамзот барча йиллардан омон-эсон ўтиб олди.

1919 йил — америкалик метеоролог Альберт Порт башорати бўйича Қуёш портлаши натижасида Ер шари олов ичида қолиши керак эди.

1955 йил — Мэриэн Китч деган ғойибдан хабар эшитувчининг сўзларига қараганда дунёвий тошқин юз беришини ўзга сайёраликлар унга айтган эмиш.

1987 йил — Доктор Хосе Аргеллес йилнинг 16 августи охир замон куни деб, яъни «сайёралар паради» вақтида галактиканинг нурланиши натижасида бу нур Ердаги барча жонзотларни қириб юборади, дея башорат қилган.

1988 йил — НАСА мутахассиси Эдгар Визанет яқинлашиб келаётган охир замон ҳақида ҳикоя қилувчи китобининг соғувидан кутилмаган даражада бойиб кетди. У ҳам бир талай башоратлар қилган эди.

1992 йил — Қурья пастори (протестант мазҳабидаги рухоний) Ли Янг Рим Апокалипсиси (христианларнинг охир замон ҳақидаги ривоятларини ўз ичига олган диний китоби)даги воқеалар юз беришини ўша йил октябрида кутган, бунга ўзи ҳам қаттиқ ишонган ва бошқаларни ҳам ишонтира олган эди. Шунинг учун бўлса керак, унинг башорати ёлғонлиги аён бўлиб қолгач, пасторнинг айрим издошлари ўз жонларига қасд қилишган.

1995 йил — «Давидов шажараси» тариқатчиларининг бошлиғи Дэвид Кореш охир замонни ўзича шу йилга «белгилаб» қўйган эди. Аммо ўзи бу кунгача яшай олмади. 1993 йили Америка қонунни ҳимоя қилувчи органлари билан бўлган отишмада ҳалок бўлган.

1997 йил — собиқ спорт шарҳловчиси Дэвид Айке ўзини «худонинг ўғли» дея эълон қилди ва яқин йилларда ер қимирлаб, сув тошқини юз беришини, натижада охир замон бўлишини башорат қилган. Шу йили бу башортга инонган «жаннат эшиги» тариқати издошларининг айримлари ўз жонларига қасд қилишган. Негаки, фазода Хейл-Бопп кометасининг пайдо бўлиши улар наздида охир замонни аниқ қилиб қўйган эди.

1999 йил — Машҳур француз астрологи Нострадамус айнан шу йилни охир замон, дея башорат қилганини ҳам эслатишди. Бироқ шарҳловчилар Нострадамус ҳам адашиши мумкинлигини эътироф этишмоқда. Буни эса вақт кўрсатди.

Қисқаси, башоратлар оламида ана шунақа гаплар. Дарвоқе, хаёлингизга «...карвон ўтаверади», деган мақол келмадими, мабодо?

ЁШ «НОСТРАДАМУС»

Қобордин-Болқор Республикасининг Нальчик шаҳрида ёш «Нострадамус» пайдо бўлган. У 16 ёшли Азрет Шурдумовдир.

Азретнинг ўзгача қобилиятини шу пайтгача ҳеч ким сезмаган эди. Бироқ унинг уйига оғир бемор қариндоши келгач, унинг хислатидан барча бохабар бўлди. Ўшанда Азрет бемор қариндошининг ёнига келди-да, оғриётган жойига қўлини қўйиб: «Сизнинг шу жойингиз оғрияпти. Яқинда тузалиб кетасиз. Оилангизга моддий кирим бўлади. Аммо ўғлингизга машина олиб берманг. Негаки, автоҳалокат юз беради. Тўғри, ўғлингиз тирик қолади, лекин барибир лат ейди», дейди ва автоҳалокат қандай бўлишини ипидан-игнасигача айтиб беради, ҳатто тўқнашадиган машинанинг номеригача аниқ айтади. Бироқ қариндоши бу гапларга эътибор бермади. Ва кейинчалик бу айби учун жуда афсусланди. Негаки, ҳақиқатан ҳам у ўғлига машина олиб берган, ўғли эса худди юқорида айтилганидек ҳалокатга учраган эди. Шу воқеадан сўнг мухбир Мая Мамедова у билан учрашди ва: «1999 йил 11 августда Қуёш тутилиши юз беради. Айт-чи, ўша кун охир замон бўладими?» дея савол берганди. «Йўқ, — дея жавоб қайтарганди болакай. — Лекин шаҳримизни бўрон остин-устун қилиб ташлайди, кўп дарахтлар илдизи билан кўпорилади. Бир одам ўлиши эҳтимоли бор». Ҳақиқатан ҳам 12 август куни Нальчикда кучли бўрон кутурди. Дарахтлар ағдарилиб, бир одам оламдан ўтди.

У 1998 йил 14 августда доллар курсининг кўтарилишини башорат қилган эди. Ўшанда унинг гапига ҳеч ким ишонмаганди. Бироқ не кўз билан воқелик гувоҳи бўлишдики, 17 августга келиб ҳақиқатан ҳам башорат тасдиқланди.

Борис Ельцин тўғрисида эса «1999 йил истеъфога чиқиши мумкин», дея башорат қилган эди. Аммо шу нарса маълумки, ҳар қандай башоратнинг тўғри ёки нотўғрилигини фақат вақт кўрсатади. Ва шундай бўлди ҳам, яъни ўша йил охирида Борис Ельцин ўз ўрнини Владимир Путинга бўшатиб берди.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/507> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/507> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/507>